

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Агросаноатни рақамлаштириш
маркази” МЧЖ директорнинг
биринчи ўринбосари

_____ **Б.Т.Тиллабаев**

2024 йил “___” апрель

“Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖда Коррупцияга қарши
курашиш ва уни олдини олиш бўйича амалга оширилган ва келгусида
режалаштирилган ишларни амалга ошириш юзасидан ўтказилган
ўрганиш

– сон БАЁНИ

2024 йил 19 апрел

Тошкент вилояти.

Раислик қилди: Б.Т.Тиллабаев “Агросаноатни рақамлаштириш маркази”
МЧЖ директорнинг биринчи ўринбосари

Иштирок этди: С.А.Халилов Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Комплаенс
назорат ва коррупцияга қарши курашиш
бўлими бошлиғи

З.Машарипова “Агросаноатни рақамлаштириш маркази”
МЧЖнинг Юристи

Ф.Сафарова “Агросаноатни рақамлаштириш маркази”
МЧЖнинг Ходимларни бошқариш
бўлими бошлиғи

Қатнашдилар: Молия иқтисод ва бухгалтерия бўлими,
Геоахборот тизимлари бўлими,
марказнинг дастурчилари ва бошқа
ходимлар.

КУН ТАРТИБИ:

“Агросаноатни рақамлаштириш маркази” масъулияти чекланган
жамиятида Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича
амалга оширилган ва келгусида режалаштирилган ишларни амалга
ошириш, коррупцияга муросасиз муносабатда бўлиш ҳамда жамиятда
коррупцияга қарши курашиш тадбирларига “Агросаноатни
рақамлаштириш маркази” МЧЖ ходимларини онгли равишда
тушунишларига ва кўмак беришларига эришиш.

“Агросаноатни рақамлаштириш маркази” МЧЖнинг коррупцияга қарши
курашиш йўналишидаги фаолияти 2023 йилнинг якунига кўра Коррупцияга қарши
курашиш агентлиги томонидан “ўрта” деб баҳоланганлиги, марказнинг

коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга масъул штат бирлиги ҳозирги кунда вакант эканлиги танқидий кўриб чиқилди.

Бундан ташқари марказнинг очиқлик сиёсати, қисқа рақамининг доимий ишлаб туриши, коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги сиёсатининг ишлаб чиқилганлиги, масъул ходимнинг функционал мажбуриятлари (низом)нинг тасдиқланганлиги, ҳамда бошқа коррупцияга қарши Йўриқномалар, Регламентлар ва Қоидалар ишлаб чиқиланлиги ва тасдиқланганлиги, ходимларнинг коррупция йўналишида малака оширганликлари, коррупция йўналишида тарғибот материалларининг мавжудлиги, “Е-Антикор” платформасига тегишли маълумотларнинг ўз вақтида юклаб борилиши ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, ҳақиқатдан ҳам ушбу йўналишда марказнинг масъул ходимига амалий ёрдам кўрсатилиши талаб этилади.

Вазирликнинг Комплаенс назорат ва коррупцияга қарши курашиш бўлими бошлиғи **С.Халилов** томонидан Қишлоқ хўжалиги вазирини, Ўзбекистон



Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа юқори турувчи ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича қўйилган талаблар етказилди. Шунингдек, янги ишга кираётган ходимларни коррупцияга қарши курашиш йўналишида қисқа муддатли ўқитишни ташкил этиш лозимлиги ва бу йўналишда тегишли видео слайдлар тайёрланиши тавсия этилди.

Кун тартибидаги масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” масълияти чекланган жамиятида коррупцияга қарши курашиш, тизимда салбий ҳолатларга мурасасиз бўлиш, бундай ҳолатларининг юзага келишига омил бўлган камчилик ва муаммоларни бартараф этишни кучайтириш мақсадида, йиғилиш.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўрганиш натижаси ва бажарилган ишлар юзасидан маълумотнома тайёрланиб вазирликка тақдим этилсин.

3. Коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги бўш иш ўрнига ишга қабул қилинган ходим томонидан “Е-Антикор” платформасининг тўлиқ юритилиши назоратга олинсин.

4. Коррупция йўналишда қонунчилик талабларини бузган ҳар қандай ходимга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилиши муқаррарлиги тўғрисида барча ходимлар огоҳлантирсин.